

## ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ АКАДЕМИК ЛИЦЕЙИ

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълим марказининг 2006 йил 21 декабрдаги 203-сонли буйруғи ва Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2007 йил 17 январдаги 27-сонли буйруғига биноан Тошкент Тиббиёт академияси академик лицейи ташкил этилган бўлиб, Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 6 июлдаги 200-сон қарорига биноан янги тахрирдаги Ўзбекистон Республикасида ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тўғрисидаги Низом асосида фаолият кўрсатиб келмоқда.**

Тошкент Тиббиёт академияси академик лицейи ҳар йили Тошкент шаҳридаги умумтаълим мактаблари 9-синф битирувчиларини, табиий фанларга қизиқиши бўлган ўқувчиларни қамраб олади. Шунингдек, 9-синф битирувчилари учун "Очиқ эшиклар", "Ота-оналар мажлиси" тадбирлари амалга оширилиб, лицейда таълим олишнинг афзалликлари, эришилган ютуқлар ҳақида батафсил маълумот берилди. Ҳозирги кунда лицейда жами 539 нафар ўқувчи таҳсил олмақда. Ўқитувчи педагоглар сони 46 нафарни ташкил этади. Шулардан фан номзодлари 7 нафар, доцент 3 нафар. Академик лицейда жами 18 та фан тўғрисида фаолият кўрсатади, 12 таси умумтаълим фанларидан, 6 таси спорт тўғрисида фаолият кўрсатади, тахсил олишлари учун замонавий техника билан жиҳозланган тематик ўқув ва ўқув лаборатория хоналари, 2 та компьютер хонаси, инновацион техник жиҳозланган ахборот ресурслар маркази, 314 ўринли замонавий тадбирлар залига эга. Академик лицей табиий фанларга йўналтирилган бўлиб, биология, кимё, она тили, адабиёт фанлари чуқурлаштириб ўтилади. 2019-2020 ўқув йилларида академик лицейда Табиий фанлар II йўналишини очилиши кўзда тутилган. Бунда кимё, математика, она тили ва адабиёт фанлари чуқурлаштириб ўтилиши назарда тутилган. Ўз навбатида академик лицей ўқувчиларни тиббиёт олий ўқув юртлигига, биология, кимё факультетлари мавжуд бўлган институт ва университетларга тайёрлайди. Академик лицейда ўқув-тарбиявий, илмий ишлар ва маънавий-маърифий тадбирлар Тошкент Тиббиёт академияси билан узвий ҳамкорликда олиб борилади. Жумладан, Тошкент Тиббиёт академияси ёшлар би-

лан ишлаш бўлими, ўқув услубий бўлими, илмий ишлар бўлими, АРМ бўлими ва биологик кимё, гистология ва тиббий биология, одам анатомияси, патологик анатомия, педагогика, психология ва тиллар кафедраси, биофизика ва информатика, ижтимоий гуманитар кафедралари билан ТТА 1-клиникаси, ЎЗМУ, Тошкент давлат педагогика университети, Ислон университети, Ўзбекистондаги Россия элчихонаси ҳузуридаги "Россотрудничество" ташкилоти, Тошкент педиатрия тиббиёт институти 1 ва 2-сон академик лицейлари билан ҳамкорлик ишлари йўлга қўйилган. Бу ҳамкорликлар натижасида Халқаро, Республика, шаҳар олимпиадаларида совриндорликни қўлга киритиб келмоқдалар. 202-гуруҳ ўқувчиси Саидабону Ҳолиқова Умумтаълим фанлари бўйича ўтказилган Республика олимпиадасида кимё фанидан 1-ўринни, кимё фанидан бўлиб ўтган шаҳар олимпиадасида эса 1-ўрин эгаллади. Кимё фанидан бўлиб ўтган шаҳар олимпиадасида 105-гуруҳ ўқувчиси Комила Саидқаримова 1-ўрин билан тақдирланди. Туман фан олимпиадасида 106-гуруҳ ўқувчиси Азизбек Эргашев 1-ўрин соҳиби бўлди.

Масофавий Халқаро Интер-Химик-Юниор – 2018 ғолиблари сифатида бир қатор ўқувчиларимиз совриндор бўлдилар. Жумладан, 202-гуруҳ ўқувчиси Саидабону Ҳолиқова 1-ўрин, 203-гуруҳ ўқувчиси Жамолхон Тоиров, 205-гуруҳ ўқувчиси Акбар Сиддиқов, 204-гуруҳ ўқувчиси Бехруз Бешимжонов, 204-гуруҳ ўқувчиси Одинахон Жаҳонгирова, 305-гуруҳ ўқувчиси Гулруҳ Боборажабова нуфузли ўринларни эгаллаб, совриндор бўлишди.

Биология фанидан бўлиб ўтган фан олимпиадасининг шаҳар босқичидан

нуфузли ўринларни қўлга киритган 307-гуруҳ ўқувчиси Ҳилола Шамирзаева, 201-гуруҳ ўқувчиси Муниса Муҳиддиновалар Республика босқичига йўлланмани қўлга киритдилар. "Ёш олимлар куни" Республика илмий-амалий анжуманида биология фанидан 307-гуруҳ ўқувчиси Равшан Маҳкамов иштирок этиб, нуфузли ўринни эгаллади.

307-гуруҳ ўқувчиси Нигора Мирзохидова ҳозирда сузиш спорти бўйича 55 карра Ўзбекистон Республикаси чемпиони, 15 карра Ўзбекистон Республикасининг мутлоқ чемпиони, Параолимпия уйинларининг кумуш ва бронза медали соҳибаси ва "Спорт устаси" унвонига эга. 2018 йил Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон қатнашувида бўлиб ўтган Ўзбекистон қишки очик чемпионатида – 1-ўринни эгаллади.

Қувонарлиси 2018 йил Индонезия, Жакартада бўлиб ўтган 3-Параолимпия уйинларида кумуш ва бронза медали соҳибаси сифатида юртимиз байроғини юқорига кўтарди.

Президентимиз Ш.Мирзиёев томонидан илгари сурилган 5 ташаббус доирасида академик лицейда лицей директори А.Шермуратов ташаббуси билан "Мен жонажон илм масканимга китоб совға қиламан" хайрия акцияси, "Биз китобни севувчи Ёшларимиз!" шиори остида китоб челлендж бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев таъкидлаганларидек, "Бизни ҳамisha ўйлантириб келадиган яна бир муҳим масала – бу ёшларимизнинг одоб-ахлоқи, юриш-туриши, бир сўз билан айтганда дунёқароши билан боғлиқ. Бугун замон шиддат билан ўзгармоқда. Бу ўзгаришларни ҳаммадан ҳам кўпроқ ҳис этадиган ким – ЁШЛАР! Майли ёшлар ўз даврининг талаблари билан уйғун бўлсин. Лекин айни пайтда ўзлигини ҳам унутмасин. Биз киммиз, қандай улғу зотларнинг авлодимиз деган даъват уларнинг қалбида доимо акс-садо бериб ўзлигига содиқ қолишга ундаб турсин. Бунга ниманинг ҳисобидан эришамиз. Тарбия, тарбия ва фақат тарбия ҳисобидан".

**Нигора ҲАКИМОВА,**  
ТТА академик лицей Ёшлар  
иттифоқи етакчиси



# TIBBIYOTNOMA

TOSHKENT TIBBIYOT AKADEMIYASI NASHRI

№ 7-8 2019 YIL 12 IYUL

## ХУШ КЕЛИБСИЗ, АБИТУРИЕНТЛАР!

*Жонажон юртимизда нуфузли олий ўқув юртиларидан бири бўлган Тошкент Тиббиёт академиясида етук мутахассислар, саломатлигимиз посбонлари – шифокорлар ўқиб, таҳсил олади. Илм масканида мутахассислар тайёрлаш сифатини ошириш, талабаларнинг илмий-интеллектуал салоҳиятини ошириш, улар орасида келгусида етук педагогик кадрларни шакллантириш академия жамоасининг асосий вазифаларидан ҳисобланади.*

*Бу даргоҳда талаба-ёшларнинг ҳар томонлама чуқур билим эгаллашлари учун барча шарт-шароитлар яратилган бўлиб, малакали профессор-ўқитувчилар уларга шифокорлик сирларини ўргатадилар. Ўқув масканида кафедралар ва илмий текширув лабораториялари юксак даражада замонавий ўқув ва текширув воситалари билан жиҳозланган. Шунингдек, академияда маънавий-маърифий ишлар яхши йўлга қўйилган. Қизиқарли учрашувлар, кўрик-танловлар, фестиваллар, спорт мусобақалари ва бошқа байрам тадбирлари шулар жумласидандир. Бундан ташқари, академияда ёшларнинг бўш вақтини самарали ва мазмунли ўтказишлари учун турли тўғрараклар ҳам фаолият юритмоқда. Шу билан бир қаторда спорт мусобақаларини ўтказиш яхши йўлга қўйилган. Эътиборлиси, вилоятлардан келган ёшлар учун барча зарур шароит ва қулайликларга эга бўлган талабалар турар жойлари мавжуд.*

*Оилаларимиз мустаҳкамлиги, фарзандларимизнинг соғлом вояга етишида шифокорлар масъулдирлар. Соғлом фарзандлар юртимиз келажаги эканлигини унутмай зиммамизга юклатилган вазифани сидқидилдан бажаришимиз зарур.*

*Давлатимиз томонидан аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилиб, малакали ва сифатли тиббий хизмат кўрсатиш тубдан яхшиланмоқда.*

*Малакали кадрларни тайёрлаб, юрт қорига хизмат қиладиган мутахассисларни етказиш олийгоҳимизнинг бурчидир.*

*Ўқувчиларимизнинг асосий вазифангиз барча имкониятларингизни, зеҳнингизни ишга солиб бўлажак тест синувларини муваффақиятли топширишдан иборат. Сизларга тест синувларида омад ёр бўлсин.*  
**П.ТУЙЧИЕВ,**  
Тошкент Тиббиёт академияси ректори

## АБИТУРИЕНТЛАР УЧУН МУҲИМ МАЪЛУМОТЛАР

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида бўлиб ўтган брифингда Давлат тест маркази мутасаддилари олий таълим муассасаларига қабул жараёни, бу йилги тест синувларида кутилаётган янгиликлар ҳақида маълумот берди.**

Бу йил абитуриентлар олий таълим муассасасига ҳужжат топширишида янги тизим жорий этилмоқда. Унга кўра, номзоддан 086-У шаклдаги тиббий маълумотнома талаб этилмайди. Улар ҳужжатларини қабул комиссиясига қолдириб кетмайди. Рўйхатдан ўтгач, ҳужжатларини ўзи билан олиб кетади. Талабалikka қабул қилингани маълум бўлгач, ҳужжатларининг асл нусхасини тақдим этади.

Бу йил тест топшириқларини тайёрлаш мақсадида умумтаълим фанлари бўйича экспертлар гуруҳи шакллантирилган. Тест синувлари учун 180 мингдан ортиқ тест топшириғини шакллантириш режалаштирилган. Унда ўзбек, рус ва қорақалпоқ тилларидаги тест топшириқларининг бир хиллиги таъминланмоқда.

Тест топшириқлари базасини шакллантириш бўйича Туркия, Жанубий Корея, Россия, Япония тажрибаси ўрганилиб, уларда график, ёзувсиз карта, расмлар қўлланилмоқда.

Мамлакат миқёсида кириш имтиҳонларини ўтказиш учун 69 бино ажратилган. Уларнинг энг каттаси 1710 ўринли бўлиб, бир кунда ва 2 сменада 12 минг 75 гуруҳда 38 минг 310 нафар абитуриент тест топшириши мўлжалланмоқда.

Абитуриентлар ўзининг доимий ёки вақтинча рўйхатда турган жойидан қатъий назар, исталган олий таълим муассасасида ташкил этилган қабул комиссиясига мурожаат қилиши мумкин. Рўйхатдан ўтишда махсус сўровнома шакли тўлдирилиши ва ундаги маълумотлар электрон маълумот алмашув тизимида киритилиши керак.

Рўйхатдан ўтишда фуқаролик паспорти, паспорт ёшига етмаганлар учун туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома, таълим муассасасини тугатгани ҳақидаги ҳужжат ва унинг иловаси талаб этилади, имтиёзга эга бўлганлар эса имтиёз ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатларнинг асл нусхасини тақдим этади. Бошқа ҳужжатлар талаб қилинмайди.

Абитуриентларда, ота-оналарда жараён билан боғлиқ саволлар туғилиши табиий ҳол. Шу боис улар Давлат тест маркази сайтдан маълумот олиши мумкин.

**Барно МЕЛИҚУЛОВА,**  
ЎЗА мухбири

MUASSIS:  
**TOSHKENT  
TIBBIYOT  
AKADEMIYASI**

MUHARRIR  
**TURDIQUL  
BOBOMURATOV**

TAHRIR HAYATI:  
Q.Nizomov (Bosh muharrir o'rinbosari),  
O.Hazratov, D.Hidayeva, D.Norgulov,  
L.Abdugodirova, D. Xudoyqulov

Gazeta Pentium-IV  
kompyuterida sahifalandi va Toshkent  
Tibbiyot akademiyasi RISOGRAFida  
400 nusxada chop etildi.  
Manzilibimiz:  
Toshkent shahri, Farobiy  
ko'chasi, 2-uy  
**Nashr uchun ma'sul  
R. Matmurodov**

Gazeta Toshkent Matbuot va axborot  
boshqarmasida 2007-yil 15-yanvarda  
02-0049 raqam bilan ro'yxatga olingan

Mualliflar fikri tahririyat nuqati nazaridan farqlanishi  
mumkin. Maqolalardagi ma'lumotlar uchun  
mualliflar javobgardir  
Бепул тарқатилади



*Сўз устаб дилимнинг тубига боқдим,  
Қоронғу ақлимнинг чирогин ёқдим.*



## Тошкент Тиббиёт академияси Президентимизнинг 2005 йил 19 июль ПФ-3629 Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 29 июлдаги 178-сон қарорлари асосида тугатилган биринчи ва иккинчи Тошкент Давлат тиббиёт институтлари негизида ташкил топди.

Фармонга асосан Тошкент Тиббиёт академиясида юқори малакали тиббиёт кадрларни тайёрлашни ташкил этишни такомиллаштириш ва сифатини ошириш мақсадида ўқиш жараёнини ташкил қилишнинг замон талабларига мос келадиган зарур ўқув ва моддий-техника базаси яратилган, илғор таълим технологиялари кенг жорий этилган.

Бугунги кунда академияда бакалавриатуранинг 6 та йўналишлари: даволаш иши, касбий таълим (даволаш иши), тиббий профилактика иши, тиббий биология иши, олий маълумотли ҳамширалик, ҳарбий тиббиёт иши, магистратура мутахассислиги бўйича талабалар таҳсил олишмоқда. Тиббиёт академияси нафақат Республикамизда, балки мустақил Ҳамдўстлик давлатлари орасидаги энг йирик ва юқори илмий салоҳиятга эга тиббиёт олийгоҳидир.

Тошкент Тиббиёт академиясида 684 профессор-ўқитувчилар фаолият кўрсатмоқда.

Ўқитувчиларнинг 350 нафари илмий даражага эга. Академия профессор-ўқитувчиларидан 2 таси ЎзФА академиклари, 11 таси Россия ва Европадаги турли академияларнинг академиклари, 134 фан докторлари, 216 нафари фан номзодлиги даражасига эга.

Тошкент Тиббиёт академияси таркибидан 49 та турли йўналишлардаги кафедралар фаолият кўрсатмоқда. Барча кафедралар замонавий асбоб-ускуналар, компьютерлар билан жиҳозланган. Ҳозирги кунда ўқув режаси бўйича барча фанлардан маърузаларнинг мультимедиа вариантлари, ўргатувчи компьютер дастурлари, 100 та фандан 800 дан ортиқ видеofilmлар мавжуд ва дарс жараёнида қўлланилмоқда.

Тошкент Тиббиёт академиясида марказий илмий-текшириш лабораторияси, муассасалараро илмий-текшириш лабораторияси фаолият кўрсатмоқда.

Академияда 3200 дан зиёд талабалар, 650 дан зиёд магистрлар, 188 клиник ординаторлар, 33 та докторант ва таянч докторантлари таҳсил олмоқда.

Бу масканда ҳар томонлама етук ва рақобатбардош мутахассисларни тайёрлаш, ҳозирги кунда таълим беришда янги педагогик, ахборот технологияларидан кенг фойдаланиш, кадрлар тайёрлаш сифатини объектив назорат қилиш орқали таъминланмоқда.

Тиббиёт академиясида таълим жараёнида ўқитишнинг замонавий усулларидан қуйидагилар кенг қўлланилмоқда:

- ўқитувчи-назорат қилувчи дастурлар;
- имитацион амалий ўйинлар;
- клиник ва диагностика масалалар;
- фантом масалалар;
- амалий кўникмаларни босқичма-босқич ўрганиш;
- электрон ўқув компьютер дастурлари;
- "далилларга асосланган тиббиёт" материалларидан кенг фойдаланилади.

Академияда талабаларнинг назарий билимлари компьютерлар билан жиҳозланган тест марказларида, амалий кўникмалари эса чет элдан келтирилган замонавий фантом ва муляжларга эга бўлган лаборатория, яъни марказларда ўргатилади. Талаба-

ларнинг амалий фаолиятига тайёргарлик даражасини аниқлаш мақсадида амалий кўникмаларни баҳолашнинг халқаро тизими OSCE (объектив структуралли клиник имтиҳон) жорий қилинган.

Академия талабалари, магистрлари ва аспирантлари ҳар йили ўтказиладиган турли Республика ва халқаро миқёсдаги олимпиада ва кўрик-танловларда иштирок этиб, совриндор бўлишмоқда.

Олийгоҳда талабаларнинг маънавий баркамол шифокор бўлиб шаклланишига ҳам катта эътибор қаратилган бўлиб, академияда маданият уйи, 12 та бадий ҳаваскорлик тўғрақлари ва 10 та спорт секциялари фаолият кўрсатиб келмоқда.

Тиббиёт академиясида маънавият ва маърифат бўлими, хотин-қизлар кўмитаси, мураббийлар ва васийлар кенгашилари, "Нуроний" жамғармаси, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, талабалар касаба уюшмаси ва деканатлар томонидан доимий равишда:

давлат арбоблари, етук олимлар, ёзувчилар, шоирлар билан учрашувлар, талабаларнинг давра суҳбатлари, топқирлар ва зукколар викториналари;

- "Клиникага йўл"
- "Спорт байрами"
- "Тамакига йўқ"
- "Рационал овқатланиш"

- "Овқатланиш сирлари"

- "Дори-дармонсиз саломатлик" каби тадбирлар мунтазам равишда ўтказиб турилмоқда. Ҳар ойда ташкил этиладиган "Маънавият ва маърифат куни"да талабаларимиз турли музейларга, театрларга ташриф буюрадилар.

Тошкент Тиббиёт академиясида илмий ишларга ҳам катта эътибор қаратилган, академиянинг кафедралари, илмий лабораториялари замонавий илмий-текшириш асбоб-анжомлари билан жиҳозланган бўлиб, талабалар ва изланувчилар юқори савияда илмий изланишлар олиб боришади. Барча кафедраларда талабалар илмий жамияти фаолият кўрсатмоқда.

Тошкент Тиббиёт академияси кутубхонаси фондида 161.654 дан зиёд китоблар бор. Шу жумладан: 88.127 дан зиёд дарсликлар ва 26.879 услубий кўлланимлар, 20.320 монографиялар, 10.246 дан зиёд турли йилларда чоп этилган журналлар, 15.770 дан зиёд дарсликларнинг 16.587 дан зиёд электрон версиялари, 67 номдаги Россия ва бошқа давлатларда чоп этиладиган журналлар ва 950 номдаги республикамизда чоп этиладиган илмий-оммабоп журналлар мавжуд.

Тиббиёт академияси талабаларга дарс бериш билан бир қаторда ўзининг турли йўналишдаги замонавий тиббий асбоб-анжомлар билан жиҳозланган 3 та клиникасига эга бўлиб, клиник кафедраларнинг асосий қисми шу клиникаларда жойлашган. Ушбу клиникаларда даволаш ва ташхислаш ишлари малакали профессор-ўқитувчилар ва шифокорлар томонидан олиб борилмоқда.

Тошкент Тиббиёт академияси АҚШ, Корея, Буюк Британия, Россия, Миср Араб Республикаси, Исроил каби хорижий давлатларнинг ўқув, илмий ва даволаш марказлари билан сермахсул ҳамкорлик қилмоқда.

Академияда 7 мамлакатдан келган 31 дан зиёд хорижий талабалар ва магистрлар билим олишмоқда.

*Хурматли абитуриент ва ота-оналар!*

## ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

Ф.И.Ш.	Туғилган санаси	Кафедра ва лавозими
Нурметов Хабибулла Толқинович	05.08.1974	Даволаш факультетининг Ички касалликлари пропедевтикаси кафедраси доцент
Умиров Исроил Турсунович	18.08.1958	Даволаш факультетининг Паталогик анатомияси кафедраси доценти
Рашидова Мохира Абдухамидовна	29.08.1962	Даволаш факультетининг Ички касалликлари пропедевтикаси кафедраси ассистент
Атаков Сарвар Султанбаевич	31.08.1968	Даволаш факультетининг Умумий ва болалар жарроҳлиги кафедраси доцент
Тавашаров Баходир Назарович	29.08.1985	Даволаш факультетининг Хирургик касалликлар кафедраси ассистенти
Бекенова Гулчехра Тулеген қизи	07.08.1981	Даволаш факультетининг 1-сон факультет ва госпитал терапия кафедраси ассистенти
Имомов Абдурахмон Абдуғаниевич	01.08.1962	Даволаш факультетининг 1-сон факультет ва госпитал жарроҳлиги кафедраси доцент
Хасанов Улугбек Сайидакрамович	09.08.1968	Даволаш факультетининг ЛОР ва стоматология кафедраси мудири
Абдуллаева Нигора Нусратовна	14.08.1969	Даволаш факультетининг ЛОР ва стоматология кафедраси доценти
Хайдарова Гавҳар Саидахматовна	10.08.1976	Даволаш факультетининг ЛОР ва стоматология кафедраси доценти
Мақулиев Хийитбой Мақулиевич	27.08.1948	Даволаш факультетининг ЛОР ва стоматология кафедраси профессори
Якубова Марҳамат Миракрамовна	07.08.1962	Даволаш факультетининг Неврология кафедраси профессори
Бахриддинова Фазилат Арифовна	22.08.1963	Даволаш факультетининг Офтальмология кафедраси профессори
Аббосов Шухрат Анварович	29.08.1988	Даволаш факультетининг Урология кафедраси ассистенти
Тогаева Мовжуда Холматовна	19.08.1966	Даволаш факультетининг 2-сон ички касалликлари кафедраси доценти
Мирахмедова Хилола Тухташиновна	31.08.1970	Даволаш факультетининг 2-сон ички касалликлари кафедраси доценти
Саллаева Муборак Саидобдуллаевна	04.08.1966	Даволаш факультетининг 2-сон ички касалликлари кафедраси доценти
Мадаминов Ражаббой	19.08.1948	Даволаш факультетининг Хирургик касалликлари кафедраси доценти
Магзумова Наргиза Махкамовна	03.08.1957	Даволаш факультетининг 2-сон акушер гинекология кафедраси профессори
Садиков Дилфуза Равшанбековна	29.08.1974	Даволаш факультетининг 2-сон акушер гинекология кафедраси доценти
Юлдашева Дилчехра Юсуфжоновна	01.08.1957	Даволаш факультетининг 2-сон акушер гинекология кафедраси доценти
Ташбеков Фарҳод Бахрамович	22.08.1956	Тиббий педагогика Реабилитология халқ тиббиёти ва жисмоний тарбия кафедраси доценти
Бафоева Зарнигор Орифовна	19.08.1988	Тиббий педагогика Реабилитология халқ тиббиёти ва жисмоний тарбия кафедраси ассистенти
Мирзаева Гулчехра Пайзуллаевна	22.08.1987	Тиббий педагогика 2-сон факультет ва госпитал терапия кафедраси ассистенти
Эргашев Баходир Махмудович	12.08.1974	Тиббий педагогика Юқумли ва болалар юқумли касалликлари кафедраси ассистенти
Маллаев Максуд Мухаммадиевич	11.08.1984	Тиббий педагогика Онкология кафедраси ассистенти
Худоёров Мурод Сарварович	08.08.1986	Тиббий педагогика Онкология кафедраси ассистенти
Ниёзова Шахноза Хамойидиновна	13.08.1988	Тиббий педагогика Онкология кафедраси ассистенти
Исмоилова Муножат Хаятовна	21.08.1977	Тиббий педагогика Тиббий радиология кафедраси мудири
Зуфаров Пулат Саатович	03.08.1961	Тиббий педагогика Клиник фармакология кафедраси профессори
Пуллатова Наргиза Ихсановна	13.08.1984	Тиббий педагогика Клиник фармакология кафедраси ассистенти
Хайдаров Фаррух Сидахмадович	07.08.1986	Тиббий педагогика 3-сон ички касалликлар кафедраси ассистенти
Суванов Ўктам Холмуратович	20.08.1973	Малака ошириш факультетининг Травматология, ортопедия, ХДЖ ва нейрожарроҳлик кафедраси катта ўқитувчи
Тўхтаев Ғайратилла Шукратилло Ўгли	18.08.1990	Малака ошириш факультетининг Дерматовенерология кафедраси ассистенти
Нуруллаева Наргиза Мухтархановна	01.08.1969	Малака ошириш факультетининг 1-сон ички касалликлар кафедраси кафедра мудири
Шоалимова Зулфия Мирабитовна	25.08.1974	Малака ошириш факультетининг 1-сон ички касалликлар кафедраси доценти
Халмухамедов Бобур Тахирович	18.08.1985	Малака ошириш факультетининг 1-сон ички касалликлар кафедраси ассистенти
Нуритдинов Нуритдин Анварходжаевич	08.08.1987	Малака ошириш факультетининг 1-сон ички касалликлар кафедраси ассистенти
Норкулов Дусмурат Ташпулатович	21.08.1952	Олий маълумотли ҳамшира факультетининг Ижтимоий фанлар кафедраси профессори
Утаев Ғайрат Ғайбуллаевич	05.08.1978	Олий маълумотли ҳамшира факультетининг Ижтимоий фанлар кафедраси ўқитувчиси
Ташходжаева Патима Бакиевна	28.08.1963	Олий маълумотли ҳамшира факультетининг Тиллар кафедраси катта ўқитувчиси
Нурметова Фаиза Ириковна	02.08.1965	Олий маълумотли ҳамшира факультетининг Тиллар кафедраси катта ўқитувчиси
Хидоева Дилорам Эркиновна	30.08.1968	Олий маълумотли ҳамшира факультетининг Тиллар кафедраси ўқитувчиси
Холбоева Дилдора Бахтияровна	21.08.1985	Олий маълумотли ҳамшира факультетининг Тиллар кафедраси ўқитувчиси
Сайджанова Комила Даврановна	26.08.1989	Олий маълумотли ҳамшира факультетининг Тиллар кафедраси ўқитувчиси
Сулейманов Акроб Аловхонович	09.08.1978	Олий маълумотли ҳамшира факультетининг Суд тиббиёти ассистенти
Джуроева Нилуфар Курванкуловна	07.08.1987	Олий маълумотли ҳамшира факультетининг Аллергология, клиник иммунология ва ҳамширалик иши кафедраси ассистенти
Чориева Шахноза Эгамбердиевна	15.08.1990	Олий маълумотли ҳамшира факультетининг Аллергология, клиник иммунология ва ҳамширалик иши кафедраси ассистенти
Садуллоев Нурилла Хабибуллаевич	17.08.1945	Тиббий профилактика факультетининг Гистология ва тиббий биология кафедраси доценти
Сабинова Рихси Абдукадировна	01.08.1948	Тиббий профилактика факультетининг Тиббий ва биологик кимё кафедраси профессори
Хожаназарова Саулехан Жубатириновна	03.08.1968	Тиббий профилактика факультетининг Анатомия ва клиник анатомия кафедраси катта ўқитувчиси
Жумамуродов Собиржонов Турсунбой ўғли	20.08.1991	Тиббий профилактика факультетининг Микробиология, вирусология ва иммунология кафедраси ассистенти
Азимов Рашид Исомиддинович	25.08.1962	Тиббий профилактика факультетининг Жамоат соғлиқни сақлаш мактаби катта ўқитувчиси
Хайдарова Зарифа Турғуновна	05.08.1983	Тиббий профилактика факультетининг Жамоат соғлиқни сақлаш мактаби ассистенти
Юсупова Васила Кудратиллаевна	11.08.1954	Тиббий профилактика факультетининг Коммунал ва меҳнат гигиенаси кафедраси доценти
Саломова Феруза Ибодуллоевна	25.08.1967	Тиббий профилактика ва тиббий биология факультети декани
Абдурахмонова Нодирахон Хуснутдиновна	18.08.1980	Олий ҳамширалик иши факультетининг ёшлар билан ишлаш бўйича декан ўринбосари
Дусмухамедова Севара Бахтияровна	27.08.1986	Олий ҳамширалик иши факультетининг услубчиси
Холматова Барно Турдиходжаевна	13.08.1966	Даволаш факультети декани
Джуроева Нигора Раҳбаровна	06.08.1963	Ғуқуро ва меҳнат муҳофазаси бўлими бошлиғи
Усмонова Мухлиса Акбаралиевна	23.08.1985	Ахборот-кутубхона ресурслари билан хизмат кўрсатиш бўлимининг 1 тоифали кутубхоначиси
Арипова Дилдора Махамадалиевна	19.08.1972	Ахборот-кутубхона ресурслари бўлмас, каталоглаштириш ва тизимлаштириш бўлими мудири
Хошимов Бахтиёр Рахимович	18.08.1957	Ўқитишнинг техник воситалари бўлими 1 тоифали муҳандис
Хамидуллаева Гулчехра Ақромовна	26.08.1987	Даволаш факультетининг услубчиси
Эрметова Сайёра Ирисалиевна	26.08.1975	Ўқув услубий бўлим диспетчери
Атабекова Комола Собиржон қизи	30.08.1992	Тиббий педагогика факультетининг иш юритувчиси

ТТА ректорати ва касаба уюшмаси номлари зикр этилган ҳамкасб, устозларимизни яна бир бор таваллуд кунлари билан муборакбод этади.



## ТТА бўйича июль ва август ойларида тузилган ҳамкасб, устозларимиз

Ф.И.Ш.	Туғилган санаси	Кафедра ва лавозими
Тухтаева Нигора Хасановна	01.07.1973	Даволаш факультетининг Ички касалликлари пропедевтикаси кафедраси доценти
Азадаева Камила Эркиновна	25.07.1990	Даволаш факультетининг Ички касалликлар пропедевтикаси кафедраси ассистенти
Эргашев Улғабек Юсуфжонович	27.07.1962	Даволаш факультетининг Умумий ва болалар жарроҳлиги кафедраси профессори
Сулэйманов Аловхан Сулейманович	02.07.1949	Даволаш факультетининг 2-сон болалар касалликлари кафедраси доценти
Саидвалиев Фаррух Саидкрамович	07.07.1970	Даволаш факультетининг Неврология кафедраси профессори
Ишонходжаева Гүлчехра Толиповна	13.07.1971	Даволаш факультетининг Неврология кафедраси доценти
Куранбаева Сатима Раззаковна	13.07.1960	Даволаш факультетининг Неврология кафедраси доценти
Шарипов Раъшан Оллаёрович	24.07.1970	Даволаш факультетининг Анестезиология ва реаниматология кафедраси катта ўқитувчиси
Расулов Акмал Джахангирович	14.07.1988	Даволаш факультетининг Анестезиология ва реаниматология кафедраси ассистенти
Атажонов Сардорбек Закирбекович	27.07.1985	Даволаш факультетининг Анестезиология ва реаниматология кафедраси ассистенти
Садиқова Саила Инамджановна	22.07.1962	Даволаш факультетининг 2-сон ички касалликлари кафедраси доценти
Парвизи Назди Ибрагимовна	02.07.1948	Даволаш факультетининг 2-сон акушер гинекология кафедраси катта ўқитувчиси
Матчонов Сейтбой Худайбергенович	15.07.1961	Даволаш факультетининг 1-сон факультет ва госпитал терапия кафедраси доценти
Асроров Асқархон	05.07.1947	Даволаш факультетининг 1-сон факультет ва госпитал терапия кафедраси профессори
Рахматуллаев Элёрбек Абдувалиевич	23.07.1985	Тиббий педагогика факультетининг Нормал ва патологик физиология кафедраси ассистенти
Мусаев Хамид Алимарданович	20.07.1989	Тиббий педагогика факультетининг Нормал ва патологик физиология кафедраси ассистенти
Охунова Мархабо Турдалиевна	07.07.1979	Тиббий педагогика факультетининг Реабилитология халқ тиббиёти ва жисмоний тарбия кафедраси ассистенти
Каримов Абдувахит Ахатович	26.07.1981	Тиббий педагогика факультетининг Реабилитология халқ тиббиёти ва жисмоний тарбия кафедраси ассистенти
Бийкузиева Азиза Абдунабиевна	07.07.1984	Тиббий педагогика факультетининг Реабилитология халқ тиббиёти ва жисмоний тарбия кафедраси ассистенти
Насриддинова Наима	11.07.1940	Тиббий педагогика факультетининг 2-сон факультет ва госпитал терапия кафедраси профессори
Қодирова Шоира Абдурахмановна	04.07.1960	Тиббий педагогика факультетининг 2-сон факультет ва госпитал терапия кафедраси катта ўқитувчиси
Арипова Назира Уктамовна	26.07.1955	Тиббий педагогика факультетининг 2-сон факультет ва госпитал кафедраси жарроҳлик профессори
Джамалов Сабир Илхомович	18.07.1969	Тиббий педагогика факультетининг 2-сон факультет ва госпитал жарроҳлик кафедраси доценти
Ниязова Тожигул Ахметовна	21.07.1955	Тиббий педагогика факультетининг Юқумли ва болалар юқумли касалликлари кафедраси доценти
Мухамедов Казим Сабитович	05.07.1956	Тиббий педагогика факультетининг Фтизиатрия кафедраси доценти
Толипова Нозима Шоолимовна	18.07.1978	Тиббий педагогика факультетининг Психиатрия ва наркология кафедраси катта ўқитувчиси
Кеваркова Марина Анатольевна	22.07.1979	Тиббий педагогика факультетининг Психиатрия ва наркология кафедраси ассистенти
Ражабов Музаффар Нематович	04.07.1978	Тиббий педагогика факультетининг Психиатрия ва наркология кафедраси ассистенти
Файзиев Фаррух Шарипович	26.07.1961	Тиббий педагогика факультетининг Онкология кафедраси доценти
Арипджанова Шахло Сардаровна	20.07.1977	Тиббий педагогика факультетининг Клиник фармакология кафедраси ассистенти
Разиқов Абдунаби Абдурашидович	21.07.1958	Тиббий педагогика факультетининг 3-сон ички касалликлар кафедраси катта ўқитувчиси
Аюпова Дилдора Каххаровна	02.07.1974	Малака ошириш факультетининг 1-сон акушер ва гинекология кафедраси доценти
Ходжаева Дилуффар Нуриддиновна	30.07.1966	Малака ошириш факультетининг 1-сон акушер ва гинекология кафедраси доценти
Норкулов Сухроб Дусмуратович	10.07.1983	Олий маълумотли ҳамшира факультетининг Ижтимоий фанлар кафедраси муdiri
Асланов Акмал Субханович	03.07.1967	Олий маълумотли ҳамшира факультетининг Тиллар кафедраси катта ўқитувчиси
Авилова Клара Худжаровна	24.07.1960	Олий маълумотли ҳамшира факультетининг Тиллар кафедраси катта ўқитувчиси
Ташметова Гулфара Шаировна	03.07.1975	Олий маълумотли ҳамшира факультетининг Тиллар кафедраси катта ўқитувчиси
Шорахимов Шоазиз Фахритдинович	06.07.1980	Олий маълумотли ҳамшира факультетининг Тиллар кафедраси ўқитувчиси
Рахматова Нигора Бобойёрова	17.07.1989	Олий маълумотли ҳамшира факультетининг Тиллар кафедраси ўқитувчиси
Жуманиёзов Эркин Худайбергенович	08.07.1962	Олий маълумотли ҳамшира факультетининг Суд тиббиёти кафедраси доценти
Хасанова Мухаррама Алмардановна	18.07.1971	Олий маълумотли ҳамшира факультетининг Суд тиббиёти катта ўқитувчиси
Норбугаева Малохат Курбоновна	04.07.1967	Тиббий профилактика факультетининг Информатика ва биофизика кафедраси ассистенти
Мусаева Наргиза Бахтиёрвна	05.07.1970	Тиббий профилактика факультетининг Гематология, трансфузиология ва лаборатория иши кафедраси катта ўқитувчиси
Тураходжаева Сабохат Султаншиковна	20.07.1973	Тиббий профилактика факультетининг Гематология, трансфузиология ва лаборатория иши кафедраси ассистенти
Мусаков Мирзохид Собитджанович	14.07.1976	Тиббий профилактика факультетининг Гематология, трансфузиология ва лаборатория иши кафедраси ассистенти
Полатов Жамолддин Хакимович	03.07.1971	Тиббий профилактика факультетининг Гематология, трансфузиология ва лаборатория иши кафедраси ассистенти
Шерқўзиева Гўзал Фахритдиновна	06.07.1698	Тиббий профилактика Коммунал ва меҳнат гигиенаси кафедраси доценти
Курбанова Шахноза Ирқиновна	25.07.1968	Тиббий профилактика Коммунал ва меҳнат гигиенаси кафедраси катта ўқитувчиси
Миртазаев Амантурди	05.07.1948	Тиббий профилактика Эпидемиология кафедраси профессори
Бахриддинов Шахобиддин	10.07.1950	Тиббий профилактика Болалар, ўсмирлар ва овқатланиш гигиенаси кафедраси профессори
Бакиева Шахло Хамидуллаевна	04.07.1973	Олий ҳамширалик иши факультети декани
Латипов Абдулла Шарипович	02.07.1946	Ўқитишнинг техник воситалари бўлими бошлиғи
Гаппурова Марям Абдувалиевна	01.07.1979	Ходимлар бўлимининг 1-д. муҳандиси
Қудратова Комола Забихулло қизи	01.07.1995	Бухгалтериянинг ғазначиси
Мухамеджанова Тоҳира Маҳмудовна	22.07.1957	Ахборот-кўтубхона ресурслари билан хизмат кўрсатиш бўлимининг бош кўтубхоначиси
Файзиева Мовлуда Ғайратовна	28.07.1974	Тахририй-нашриёт бўлимининг муҳаррири
Абдушукуров Абдурашид Абдурахимович	02.07.1970	Ишлар бошқарма бошлиғи
Турсунов Али Нуруллаевич	01.07.1965	Техник фойдаланиш ва ҳўжалик бўлими 1-д. муҳандиси

## ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ТИББИЙ БИОЛОГИЯ ИШИ ТАЪЛИМ ЙўНАЛИШИ

Тошкент Тиббиёт академиясида Тиббий биология иши таълим йўналиши Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 26 майдаги "2016/2017 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига қабул тўғрисида"ги ПҚ-2534-сон қарорига асосан ташкил қилинди.

Таълим йўналиши – 5510900 – тиббий биология иши  
Ўқиш шакли – кундузги  
Ўқиш муддати – 4 йил  
Мутахассислиги – фундаментал тиббий мутахассиси  
Мақсад – тиббий таълим муассасалари, илмий-тадқиқот институтлари, илмий ихтисослашган марказлар ва бошқа тиббий муассасаларда фундаментал ва амалий муаммоларни ҳал этиш учун илмий-тадқиқот ва илмий педагогик кадрлар тайёрлаш.

Тиббий биология таълим йўналиши битирувчилари **шифокорлик амалиёти билан шугулланишга ҳақли эмас.**

Тиббий биология иши бакалаврият таълим йўналишини битиргандан сўнг ишлаши мумкин бўлган мутахассисликлар:

– Тиббиёт коллежларида умум тиббий фанлар бўйича ўқитувчи (микробиология, анатомия, патологик анатомия, нормал физиология, патологик физиология);

Тиббий биология иши таълим йўналиши битирувчилари магистратуранинг кўйидаги мутахассисликлари бўйича ўқишни давом эттиришлари мумкин:

– 5A140101 – Биология  
– 5A140102 – Микробиология ва вирусология

– 5A140104 – Биотехнология  
– 5A140105 – Биофизика  
– 5A320502– Тиббий-биологик ускуналар, тизимлар ва комплекслар  
– 5A510118 – Морфология  
– 5A510113 – Ташхиснинг инструментал ва функционал усуллари (йўналишлар бўйича)

– 5A510126 – Фармакология  
Янги киритилдиган мутахассисликлар:

– Молекуляр генетика  
– Биологик тиббий технологиялар.

– Тиббий биология.  
– Тиббий биофизика.

– Тиббий кибернетика.  
– Молекуляр фармакология.

Тиббий биология иши таълим йўналиши магистратура мутахассисликларининг битирувчилари кўйидаги муассасаларда ишлаши мумкин:

Олий тиббий таълим муассасалари тиббий-биологик кафедраларида педагог;

Илмий-текшириш институтлари, олий таълим муассасалари клиникалари, ихтисослашган марказлар, ҳар хил турдаги даволаш-профилактика муассасалари, санаторийлар, айрим ташкилот ва вазирликлар қошидаги тиббий санитария бўлимлари ва спорт-соғломлаштириш мажмуаларининг лабораториялари.

**Бугунги кунда ўқув жараёнини таъминлаш учун бакалавриатуранинг барча йўналишлари (даволаш, тиббий-педагогика, тиббий-профилактика, тиббий биология ва ОМХ), ҳарбий тиббиёт ва магистратуранинг 46 та мутахассислиги бўйича янги ўқув дастурлари ва режаларига эга. Бу дастур ва режалар талабаларнинг мустақил билим олишига, тайёрланишига, ўқитиш жараёнини индивидуаллаштиришга қаратилган.**

Ҳар томонлама етук мутахассисларни тайёрлаш ҳозирги кунда таълим беришда янги педагогик, ахборот технологияларидан кенг фойдаланиш, кадрлар тайёрлаш сифатини объектив назорат қилиш ва баҳолаш тизимини қўллаш орқали таъминланмоқда. Таълим жараёнида ўқитишнинг замонавий усуллари:

- ўқитувчи-назорат қилувчи дастурлар,
- имитацион амалий ўринлар;
- клиник ва диагностика масалалар;
- фантом масалалар;
- амалий кўникмаларни босқичма-босқич ўрганиш;
- электрон ўқув компьютер дастурлари;
- “далилларга асосланган тиббиёт” материалларидан кенг фойдаланилади.

Барча кафедралар замонавий асбоб-ускуналар, компьютерлар билан жиҳозланган. Ҳозирги кунда ўқув режаси бўйича 100 та фандан 800 дан ортиқ видеофильмлар мавжуд ва дарс жараёнида қўлланилмоқда.

Талабалар, магистрлар ва аспирантлар бўйича давлат стипендиантлари:  
Бакалаврлар – Республика фан олимпиадаси ғолиблари 6 нафар.

## ЎҚУВ ТАРБИЯВИЙ ИШЛАР

Врачлар ассоциацияси аъзоси ғолиби 1 нафар.  
Ибн Сино стипендианти – 2 нафар.  
Магистратура – 1 курс талабалари 3 та номдор стипендианти ғолиблари шулардан:  
2 нафар Ибн Сино стипендианти.  
1 нафар Президент стипендианти.  
Магистратура – 2 курс талабалари: 4 нафар Ибн Сино/  
1 нафар Президент стипендианти  
Профессор-ўқитувчиларимиз томонидан;  
200 дарсликлар, уларнинг 80 дан зиёди электрон шаклда;  
1950 ўқув-услубий қўлланмалар, 1000 дан зиёди илмий мақолалар чоп этилган.

Шу жумладан:  
22000 дан зиёд дарсликлар ва ўқув-услубий қўлланмалар;  
39778 дан кўп монографиялар;  
15000 дан зиёд турли йилларда чоп этилган журналлар;  
Талабалар билимлари 80 та компьютерлар билан жиҳозланган тест марказида, амалий кўникмаларни эгаллаш, ОСКЭ, ҚВП модулларида ҳолисона баҳоланади.

Битирувчиларнинг амалий фаолиятига тайёргарлик даражасини аниқлаш мақсадида амалий кўникмаларни баҳолашнинг халқаро тизими OSCE (объектив структурали клиник имтиёз) жорий қилинган.  
Талабаларнинг маънавий баркамол шифокор бўлиб шугулланишларига катта эътибор қаратилган.

Маънавият-маърифат бўлими, хотин-қизлар кўмитаси, мураббийлар ва вазирлик кенгашилари, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, деканатлар томонидан давлат арбоблари, олимлар, ёзувчилар, профессорлар билан учрашувлар, талабаларнинг дилдан сўхбатлари, топқирлар, зукколик викториналари, “Клиникага йўл”, “Очқ эшиклар куни”, “Олтин куз” фестивали сингари тадбирлар мунтазам ўтказилмоқда.

Академияда 12 та бадий-ҳаваскорлик тўрагаги, спорт секцияси фаолият кўрсатмоқда.



## ДАВОЛАШ ФАКУЛЬТЕТИ

**Даволаш факультети 1931 йил Ўрта Осиё Давлат тиббиёт институтини ташкил этилганда, Туркистон Давлат университети таркибидан ажралиб чиққан. Даволаш факультетининг таъсис олиб, кейинчалик факультетга раҳбарлик қилган ҳамда жаҳон тиббиёти равнақига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган ва қўшиб келаётган улуғ аллома устозларимиздан А.Ходжаев, С.Долимов, А.Магруппов, Н.Мажидов, М.Ашрапова, Р.Нурмухаммедов, М.Мирзамуҳаммедов, Н.Муротхўжаев, А.Мўминов, Қ.Нажмутдинов, шунингдек, академик Ш.Каримов, профессорлар П.Тошхўжаев, Х.Каримов, В.Аваков, А.Аталиев, А.Ҳакимов, Ш.Зокирходжаев сингари дунё таниган олимлар ана шу даволаш факультетидан етишиб чиққанлар.**

Факультетда таълим ўзбек, инглиз ва рус тилларида олиб борилади. Ўқиш муддати 6 йил. Таълимнинг дастлабки 5 йилида талабалар тиббий-биологик, клиник, гуманитар йўналишлардаги фанлар бўйича таҳсил оладилар. Ўқишнинг 6-йилида талабаларга “Умумий амалиёт шифокори” мутахассислиги ва дастури бўйича билим берилади. Факультет битирувчиларига “Умумий амалиёт шифокори” мутахассислиги берилади ва улар танлаган ихтисослиги бўйича магистратура ва клиник ординатурада ўқишни давом эттиришлари мумкин.

Даволаш факультетининг 15 та кафедрасида олий малакали мутахассислар – 1 нафар академик, 62 нафар фан докторлари, 32 нафар профессор, 56 нафар доцентлар ва 149 нафар ассистентлар фаолият юритмоқда. Даволаш факультети кафедраларида нафақат республикамиз, балки бошқа дунё мамлакат вакиллари билан иборат бўлган талабалар ҳам таълим олмақдалар. Факультет фаолиятининг асосий ютуқларидан бири замонавий услублар ва технологиялар асосида барча таълим шакллари узлуксиз такомиллаштириб бориш ҳисобланади. Академиянинг асосий ўқув базаларида нафақат Ўзбекистон ва Ўрта

Осиё мамлакатларидаги, балки МДХ давлатларида ҳам энг йирик ҳисобланган тиббиёт илмий-текшириш марказлари жойлашган.

Даволаш факультети талабалари биринчи курсдан тиббиёт билан яқиндан таниша бошлайдилар. Маърузалар, амалий дарслардан ташқари талабалар беморларни парвариш қилишни ўрганишади. Учунчи курсдан бошлаб талабалар клиник кафедраларда таҳсил оладилар. Сўнгги йилларда факультетнинг клиник базалари анча кенгайтирилди.

Даволаш факультетининг барча курсларида инглиз тили гуруҳлари ташкил этилган. Конференциялар инглиз тилида олиб борилади. Даволаш факультетининг талабалари дастур бўйича ўтилиши лозим бўлган дарслардан ташқари илмий изланиш ишлари билан шуғулланишади. 2018-2019 ўқув йилида факультетнинг бир қанча талабалари ўз маърузалари билан АҚШ, Нидерландия, Германия, Корея каби мамлакатларда ўтказилган илмий конференцияларда қатнашдилар. Ҳозирги кунда факультетнинг аксарият қисм талабалари “талабалар илмий жамияти”нинг аъзоси бўлиб, улар истаган фанлари соҳасида кафедра томонидан белгиланган педагог раҳбарлигида илмий изланишлар

олиб борадилар. Талабаларнинг илмий ишларидаги иштироки натижасида академиянинг кўпчилик кафедралари битирувчиларимиз ҳисобига бойийди.

Талабаларимиз факультет, академия ва институтлараро миқёсда ўтказиладиган турли давра суҳбатларида, “Талабалар бағишлов”, “Клиникага йўл”, “Балли, қизлар”, “Спорт байрами” тадбирларида ҳам фаол қатнашадилар. Даволаш факультетининг барча шароитлар яратилган талабалар уйида вилоятдан ўқишга келган талабалар истиқомат қилишади. Талабалар уйида профессор-ўқитувчилар, мураббийлар, хотин-қизлар кўмитаси, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи етакчилигида етук олимлар, давлат арбоблари, ёзувчилар, шоирлар билан учрашувлар ўтказилади. Талабаларимиз дарсдан бўш вақтларида академияда фаолият кўрсатиб турган бадиий ҳаваскорлик тўғрақлари, 15 та спорт секцияларига қатнашадилар.

Факультет кафедраларида талабаларнинг билимларни чуқур эгаллашлари учун барча шароитлар яратилган бўлиб, ўқитишнинг илғор технологияларидан кенг фойдаланилади.

Ўқишда аъло кўрсаткичларга эришган, жамоат ишларида фаол иштирок этувчи, намунали одоб-ахлоқи билан ўрнатилган талабалар доим рағбатлантирилади. Факультетда Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.Каримов номли стипендия совриндори, Абу Али ибн Сино ва академик Ўқтам Орипов номидаги стипендиялар соҳиблари таълим олмақдалар.

Факультет талабалари орасида фанлар бўйича республика олимпиадаси ғолиблари ва спорт мусобақаси ғолиблари борлигидан фахрланамиз.

## ТИББИЙ-ПЕДАГОГИКА ФАКУЛЬТЕТИ – МУСТАҚИЛЛИК МЕВАСИ

**“Мустақиллик – бу давлатимиз барқарорлиги, буюк келажагимизнинг бунёди, ғуруримиз ва миллий онгимизнинг ўсиши, дунё халқлари орасидаги муносиб ўрнимиздир”, деб таъкидлайди Президентимиз.**

Республикамиз мустақиллиги ша-рофати билан академиямизда тиббий-педагогика факультети очилди. Факультет талабалари ҳозирги замон билимларини эгаллаш, юқори савияли мутахассислар, ҳар жиҳатдан етук фуқаро ва ўз ватанига садоқатли инсон бўлиб етиштиришга ҳамма шароитлар яратилган.

Президентимизнинг “ҳамма ўз инсоний фуқаролик бурчини сиз қилдирингиз керак” деган даъвати факультет талабалари учун дастуруламал ҳисобланади ва унга ҳамма тўлиқ амал қилади.

Тиббий-педагогика факультетининг иккита йўналиш бўйича – умумий амалиёт ва тиббиёт тиббиёт коллежлари учун юқори савияли педагоглар тайёрланади. Ўқиш муддати – 6 йил.

Тор мутахассисликларни эгаллаш учун факультетни тамомлаб, танлов асосида магистратурада ўқишни давом эттириш мумкин. Факультетда ўқитиш даволаш факультетининг ўқув дастуридан бир оз фарқ қилиб, унга кўшимча равишда психологик-педагогик йўналишлар бўйича айрим фанлар киритилган. Жумладан, педагогика, психология, тиббиёт психологияси, педагогик маҳорат, нутқ маданияти, янги педагогик технологиялар ва бошқалар.

Бошланғич курсларда талабалар умумназарий, тиббий биологик фанлардан: Ўзбекистон тарихи, кимё, физика, тиббий биология, педагогика ва психология, шунингдек, нормал ва патологик анатомия, гистология, патологик физиология, микробиология, оператив жарроҳлик, топографик анатомия фанларидан таълим оладилар.

Клиник кафедраларда эса талабалар тиббиёт клиниксининг асосларини ўрганадилар. Бу кафедралар

талабаларнинг фикр юритишига, касалликнинг келиб чиқиши, уларни даволаш ва олдини олиш бўйича дастлабки тушунчага эга бўлишларига ёрдам беради.

Тошкент Тиббиёт академияси ректорати томонидан талабаларнинг яхши ўқиши учун, назарий ва амалий кўникмаларни тўлиқ эгаллашлари учун барча шароитлар яратиб берилган. Ҳамма соҳа бўйича ўқув адабиётлари билан таъминланган кутубхона ва компьютер хоналари мавжуд.

Факультет талабалари ўзларининг тиришқоқликлари билан устозларидан билимларни, кўникмаларни кўпроқ эгаллашга ҳаракат қилмоқдалар. Адабиётлар билан мустақил ишлашга, янгиликларни ўзлаштиришга интилоқдалар. Ўзларида жавобгарлик ҳиссини оширишга, тартиб-интизомни сақлашга, устозлар ва ўртоқларига яхши муносабатда бўлишга, тафаккур ва маданиятларини оширишга ҳаракат қилмоқдалар.

Талабаларнинг самарали ўқиши учун кафедраларда барча шарт-шароитлар яратилган. Фундаментал кутубхона барча керакли бўлган ўқув адабиётлар, махсус хорижий ва маҳаллий адабиётлар, маъруза матнларининг электрон версиялари билан тўлиқ таъминланган. Ҳозирги кунда кутубхонада 600000 дан ортиқ китоб мавжуд. Талабаларнинг ихтиёрига замонавий таъминланган ўқув хоналари берилган. Талабаларнинг амалий фаолиятга тайёргарлик даражаси, амалий кўникмаларни ўзлаштиришни баҳолаш халқаро тизим OSCE (объектив структуралли клиник имтиҳон) асосида олиб борилади.

Факультет кафедралари замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган бўлиб, улар академия-

нинг ўқув бинолари илмий-текшириш институтлари ва тиббиёт марказларининг бўлимларида жойлашган. Клиник кафедраларда умумий амалиёт шифокори тайёрлаш борасида машғулотларни амбулатор-поликлиника шароитида олиб боришга катта аҳамият берилган бўлиб, машғулотлар замон талаблари асосида жиҳозланган аудиториялар ва лабораторияларда ўтказилади.

Тиббий педагогика факультети талабалари педагогика асосларини педагогика ва психология кафедрасида ва Тошкент шаҳрининг тиббиёт коллежларида эгаллайдилар. Тиббиёт коллежларида педагогик амалиёт ўтказилади. Талабалар педагог учун зарур амалий кўникмаларни коллежларда эгаллайдилар.

Факультет талабаларининг илмий изланишларига қизиқиши катта бўлиб, уларнинг аксарияти турли фанлар бўйича талабалар илмий жамиятида иштирок этмоқдалар.

Факультет талабалари фанлар бўйича ўтказилган Республика олимпиадалари, турли кўрик ва танловлар совриндори бўлишган.

Талабалар бўш вақтларини мароқли ва унумли ўтказишади. Ҳар ойда ташкил этиладиган “Маънавият ва маърифат” кунида талабалар ўз мураббийлари бошчилигида музейларга, театрларга ва бошқа маданий-маърифий муассасаларга ташриф буюришади. Шунингдек, турли миқёсда ўтказиладиган тадбирлар, учрашувлар, спартакиадаларда фаол иштирок этадилар.

Вилоятлардан келган талабалар учун барча қулайликларга эга бўлган талабалар турар жойлари мавжуд ва у ерда турли тўғрақлар мунтазам фаолият кўрсатиб келмоқда.



2019/2020 ўқув йилида Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасалари МАГИСТРАТУРАСИ бўйича давлат буюртмаси асосида ўқишга қабул қилиш параметрларининг мутахассисликлар ва ўқитиш тиллари бўйича

## ТАҚСИМЛАНИШИ

Шифр	Вазирлик ва идоралар, олий таълим муассасалари ва мутахассисликлар	Жами	Давлат грантлари асосида				Тўлов-контракт асосида			
			Жами	шу жумладан:		Жами	шу жумладан:			
				ўзбек	рус		ўзбек	рус		
39	Тошкент Тиббиёт академияси	312	55	50	5	257	203	54		
	Тошкент ш.:	300	52	47	5	248	194	54		
5A510101	Акушерлик ва гинекология	12	1	1		11	9	2		
5A510102	Эндокринология	6	1	1		5	4	1		
5A510103	Терапия (йўналишлар бўйича)	24	3	2	1	21	18	3		
5A510104	Оториноларингология	6	1	1		5	4	1		
5A510105	Кардиология	18	1	1		17	14	3		
5A510106	Офтальмология	6	1	1		5	4	1		
5A510107	Юқумли касалликлар (йўналишлар бўйича)	18	6	5	1	12	8	4		
5A510108	Дерматовенерология	6	1	1		5	4	1		
5A510109	Неврология	6	1	1		5	4	1		
5A510110	Умумий онкология	12	1	1		11	9	2		
5A510111	Психиатрия	6	6	5	1					
5A510112	Хирургия (йўналишлар бўйича)	22	1	1		21	15	6		
5A510113	Ташхиснинг инструментал ва функционал усуллари (йўналишлар бўйича)	33	3	2	1	30	24	6		
5A510114	Нейрохирургия	6	1	1		5	4	1		
5A510115	Соғлиқни сақлашни бошқариш ва жамоат соғлиқни сақлаш (йўналишлар бўйича)	6	1	1		5	4	1		
5A510116	Тиббий психология	6	1	1		5	4	1		
5A510117	Урология	6	1	1		5	4	1		
5A510118	Морфология (йўналишлар бўйича)	6	1	1		5	4	1		
5A510119	Наркология	6	1	1		5	4	1		
5A510120	Анестезиология ва реаниматология	6	1	1		5	4	1		
5A510121	Травматология ва ортопедия	6	1	1		5	4	1		
5A510123	Суд-тиббиёт экспертизаси	6	2	2		4	3	1		
5A510124	Патологик анатомия	3	1	1		2	1	1		
5A510125	Шошилич тиббий ёрдам	6	1	1		5	4	1		
5A510126	Фармакология	6	1	1		5	4	1		
5A510127	Спорт тиббиёти	6	1	1		5	4	1		
5A510128	Диетология	6	1	1		5	4	1		
5A510129	Нутрициология	6	1	1		5	4	1		
5A510130	Аллергология ва клиник иммунология	10	1	1		9	6	3		
5A510301	Гигиена (йўналишлар бўйича)	18	6	5	1	12	9	3		
5A510302	Атроф-муҳит ва инсон саломатлиги	4	1	1		3	2	1		
5A510701	Олий ҳамширалик иши	6	1	1		5	4	1		
	Урганч филиали:	12	3	3		9	9			
5A510101	Акушерлик ва гинекология	4	1	1		3	3			
5A510103	Терапия (йўналишлар бўйича)	4	1	1		3	3			
5A510112	Хирургия (йўналишлар бўйича)	4	1	1		3	3			

## ОРТИҚЧА ҲУЖЖАТЛАР ТАЛАБ ЭТИЛМАЙДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 2019/2020 ўқув йили учун олий таълим муассасаларига қабул жараёнидаги янгиликларга бағишланган матбуот анжумани ташкил этилди.

Унда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази директори Маждид Каримов, Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлигининг биринчи ўринбосари Ҳотамжон Кетмонов, олий ва ўрта махсус таълим вазири Ином Маждидов қатнашди.

— Олий таълим муассасаларига қабул қилишда ногиронлиги бор шахсларга ҳамда ҳарбий хизматдан тавсиянома билан қайтганлар учун алоҳида квота ажратилган. Бу ажратилган умумий квоталарга таъсир қилмайди. Абитуриентлар рўйхатдан ўтиш жараёнида улардан ортиқча ҳужжатлар талаб этилмайди, — деди олий ва ўрта махсус таълим вазири Ином Маждидов.

Қатор олий таълим муассасаларига абитуриентларнинг жойлашиши ва яшаш жойидан қатъи назар, онлайн тарзда [tu.gov.uz](http://tu.gov.uz) портали орқали ёки Давлат хизматлари марказлари (ДХМ) ёрдамида ҳужжат топшириш имконияти яратилган.

Абитуриентлар Тошкент давлат юридик университети, Қорақалпоқ, Гулистон, Фарғона ва Самарқанд давлат университетларига ҳужжатни соддалаштирилган тартибда топшириш имкониятига эга.

ДХМлар орқали ҳужжат топшириш учун 2 та ҳужжат киёф. Булар – фуқаролик паспорти (паспорт ёшига етмаганлар учун туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома), умумий ўрта таълим (11-синф негизида) ёки ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасасини тугатгани ҳақидаги ҳужжат (иловаси билан). Имтиёзга эга бўлган абитуриентлар имтиёз ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатни тақдим этиши лозим.

Тошкент давлат юридик университетидан ташқари қолган 4 та университетнинг ўзига бориб ҳам ҳужжат топшириши мумкин.

Давлат тест маркази директори М.Каримов таъкидлашча, бу йил тест синовлари 69 катта сифимдаги биноларда ўтказилади. ОТМга қабул учун тест имтиҳонлари ўтадиган биноларга ўрнатилган кузатув камералари сони кўпайтирилади. Тест синовларига таққиланган нарсаларни олиб киришнинг олдини олиш чоралари кучайтирилади.

Бу йил абитуриентлар яшаш жойидан туриб республикамизнинг исталган ҳудуддаги 3 тагача ОТМга ҳужжат топшириши ва тест имтиҳонидан ҳам ўз ҳудуддаги белгиланган

жойда ўтиши мумкин. Фақат улар рўйхатга олинаётганида қаерда тест топширмоқчилигини кўрсатиши шарт. ДТМ сайтида ҳар бир абитуриентга персонал кабинет бўлади.

Ўтган йили тест жараёни бўлиб ўтаётган баъзи биноларга белгиланган вақтдан кечикиб келган абитуриентлар киритилгани ҳолда, айрим вазиятларда 1 дақиқа кечикканлар синовлардан четлатилган ҳолатлар ҳам кузатилган.

Бу йил тест синовлари бўлиб ўтаётган бинога ўз вақтида кириш талаб этилади. Фақат бу ҳудудга, агар тест жараёни бошланмаган бўлса, бир неча дақиқа кечикиб келганлар киритилиши мумкин.

Абитуриентлар тест топширган куннинг эртасига имтиҳон натижалари ҳақида маълумот олиши мумкин. Ўқишга кирган ёки қирмаганини эса барча тестлар якунланганидан бир ҳафта ўтгач билиш имкони бўлади.

Республикамиз олий таълим муассасаларига кириш имтиҳонлари 25 июль – 20 август кунлари бўлиб ўтиши режалаштирилган.

Хуршид ҚОДИРОВ,  
УЗА муҳбири

Факультет 1931 йилда ташкил этилган. Факультетда Фарғона филиали билан бирга 700 га яқин талаба таълим олади.

Факультетда ўқиш ўзбек, рус ва инглиз тилларида олиб борилади. Факультет Ўзбекистонда етакчи бўлиб, МДХдаги шу йўналишдаги факультетлар орасида нуфузли ўринга эга. Факультетда ўқиш муддати 5 йил. Факультет талабалари 5 блок таркибидagi 50 дан ортиқ фанлар бўйича тахсил олишади: булар гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий, математика ва табиий илмий, умумқасбий, ихтисослик ҳамда қўшимча фанлардир. Ихтисослик фанлари коммунал, меҳнат, овқатланиш, болалар ва ўсимирлар гигиенаси, радиацион гигиенаси ҳамда эпидемиология фанлари бўйича врач, гигиенист эпидемиолог мутахассислиги бўйича таълим оладилар.

Факультетга 11 та кафедра ва 1 та жамоат соғлиқни сақлаш мактаби қарашли бўлиб, уларда 136 нафардан зиёд профессор-ўқитувчилар ўз билим ва тажрибаларини ёшларга ўргатиб келишмоқда. Улардан 29 нафари тиббиёт фанлари докторлари, профессорлар, 41 нафари эса тиббиёт фанлари номзоди даражасига эга бўлган ходимлардир. Талабалар тахсил олиши учун факультет профессор-ўқитувчилари томонидан тайёрланган замонавий дарсликлар, ўқув қўлланмалари, ўқув-услубий қўлланмалар, ЭЎУМлар, маъруза ва амалий машғулотларнинг презентацион вариантлари, таркибига силлабуслар киритилган электрон ўқув моддалари мавжуд.

Факультетимизда Республикаимиз гигиена ва эпидемиология соҳасини, ривожланишига ва соғлиқни сақлашни ташкил этилишига катта ҳисса қўшган профессорлар: Л.Пономарева, Б.Маматқулов, З.Ҳакимов, Г.Шайхова, О.Миртазаев, Ш.Бахритдинов, Р.Собирова, О.Иноятова каби етуқ олимлар фаолият кўрсатиб келмоқдалар.

Факультет кафедралари замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган илмий-тектириш институтлари, Давлат санитария-эпидемиология назорати марказларида жойлашган. Инглиз тилини мукамал эгаллаган талабалар учун маърузалар ва амалий машғулотлар шу тилда ташкил этилган. Талабаларимизнинг 25 фоиздан ортиги турли фанлар бўйича талабалар илмий жамиятида иштирок этиб келишади. Факультет талабаларидан 10 нафари фанлар бўйича ўтказилган Республика олимпиадаси, 40 нафари эса турли кўрик-танловларда иштирок этиб, совриндорлар сафидан ўрин олган. Талабаларимиз Академия, шаҳар ва Республика миқёсида ўтказиладиган турли маънавий-маъ-

рифий тадбирларда, спартакиадаларда мунтазам иштирок этиб, доимо фахрли ўринларни эгаллаб келишади.

Вилоятлардан ва бошқа давлатлардан келган талабалар учун барча қулайликларга эга бўлган талабалар турар жойлари мавжуд.

Талабаларимизнинг бўш вақтларини мароқли ўтказиш мақсадида факультетимизда барча шароитлар яратилган. Улар талабалар турар жойларида фаолият кўрсатиб турган “Ёш ижодкорлар” клубидаги тўғракларда ҳамда жисмоний тарбия кафедраси ва “Шифокор” спорт клуби қошидаги спорт секцияларида мунтазам қатнашиб турадилар.

Факультет битирувчилари Республика вилоят ва туманларнинг ДСЭНМларида, тиббиёт

— ОТМ битирувчиларини PhD ва магистратура дастурлари бўйича ўқитиш,

— ОТМ ва қайта тайёрлаш ва малака ошириш марказлари ўқув жараёнларига юқори малакали хорижий олимлар, ўқитувчи ва мутахассисларни кенг жалб қилиш,

— ОТМ қуриш, реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш, уларни замонавий ўқув ва лаборатория ускуналари билан жиҳозлаб, уларнинг моддий-техника базасини мустақамлаш ва бошқа вазифалар белгиланган.

Ушбу вазифаларнинг ижроси бўйича ТТАда, жумладан тиббий профилактика факультетида қатор ишлар амалга оширилди. Шулар қаторида Корея Университетининг профилактик тиббиёт йўналиши билан ўрнатилган ҳамкорлик

алоқаларини эътироф этиш мумкин. 2017-2020 йилларга мўлжалланган Тошкент Тиббиёт академияси билан Корё университети ўртасида Меморандум имзоланди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 5 майдаги “2017/2018 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш тўғрисида”ги 2955-сонли қарориди асосан Тошкент Тиббиёт академиясида Корея Университети билан ҳамкорликда “Атроф-муҳит ва инсон саломатлиги” магистратура йўналиши очилиши назарда тутилган. Ушбу магистратура йўналиши экология ва атроф-муҳит омилларининг инсон саломатлигига таъсирини ўрганиш ҳамда инсон саломатлигини сақлаш ва мустақамлаш бўйича кенг қамровли ишларни амалга оширадиган мутахассисларни тайёрлайди. Магистратура дастури Корея Университетининг экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича мутахассисларни тайёрлашга оид тажрибасидан келиб чиққан ҳолда тайёрланди. 2017-2018 ўқув йилида “Атроф-муҳит ва инсон саломатлиги” 5A510302 магистратура мутахассислиги йўналиши очилди. Янги магистратура йўналишини 13 нафар талаба битириб, ТТА магистр дипломи билан биргаликда Корея Университетининг сертификатини олишди.

Тошкент Тиббиёт академиясида Корея Университети билан ҳамкорликда илмий-тадқиқот маркази очилди. Ушбу марказ замонавий лаборатория ускуналари билан жиҳозланган бўлиб, таълим жараёнини сифатли ташкил этишда ва тадқиқот ишларини халқаро талаблар даражасида олиб боришга имкон беради.

Атроф-муҳитни асраш, инсон саломатлигига салбий таъсир этувчи омилларни бартараф қилиш ва турли касалликларнинг олдини олиш тиббий профилактика факультети битирувчиларининг асосий вазифаси бўлиб, биз ўзининг ҳаётини шу ишга бағишламоқчи бўлган йигит ва қизларимизни факультетимизга қорлаймиз!

ТИББИЙ ПРОФИЛАКТИКА  
ФАКУЛЬТЕТИ

клиникаларида (госпитал эпидемиологлар ва санитария врачлари, бактериологлар, Республика карантин ва ўта хавfli юқумли касалликлар профилактикаси илмий маркази ва унинг филиалларида, ОИТСга қарши курашиш маркази ва унинг барча филиалларида, илмий-тектириш институтларида, Ўзбекистон ҳаво йўллари ва темир йўллари тизимидаги ДСЭНМларда, тиббиёт санитария қисмларида (Ички ишлар вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати, Мудофаа вазирлиги) суғурта ва муниципал тиббиёт муассасалари, ўрта ва олий тиббий ўқув муассасаларида ишлашлари мумкин.


Магистратурада тахсилни давом эттириб, мутахассис сифатида эпидемиолог, гигиенист, бактериолог, вирусолог, паразитолог, токсиколог, врач-лаборант, соғлиқни сақлашни ташкиллаштириш шифокори ва бошқаларда фаолият олиб боришлари мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2909-сонли Қарориди:


— Ҳар бир олий таълим муассасаси жаҳоннинг етакчи илмий-таълим муассасалари билан яқин ҳамкорлик алоқалари ўрнатиш,



Умрим баҳор, ёзи ўтса билмасам,  
Куз хазон сунурса, тавба қилмасам.



Кўнгил ойнасини қўл билан артма,  
У нафис бир парда, хўл билан артма.



## ОЛИЙ МАЪЛУМОТЛИ ҲАМШИРА ФАКУЛЬТЕТИ

1999 йилда Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислон Каримов фармойишига биноан Олий ҳамширалик йўналиши ташкил қилинди.

5510700 – “Олий ҳамширалик иши” йўналиши бўйича бакалаврларни тайёрлашдан мақсад соғлиқни сақлаш тизимини юқори малакали, ҳар томонлама етук мутахассислар билан таъминлашдир.

Тошкент Тиббиёт академиясида олий маълумотли ҳамшираларни тайёрлаш учун барча шароитлар яратилган. Факультет талабалари академиянинг 23 та кафедрасида 50 та фандан билим олишади. Давлат таълим стандартига биноан фанлар 5 та блокка бўлинади.

1.Блок–гуманитар ва ижтимоий, иқтисодий фанлар (13 та фан).

2.Блок–математик ва табиий-илмий фанлар (8 та фан).

3.Блок–умумқасбий фанлар (17 та фан).

4.Блок–ихтисослик фанлари (ҳамширалик ишида бошқариш, акушерликда ҳамширалик иши, хирургияда ҳамширалик иши, реанимация ва анестезиологияда ҳамширалик иши).

5.Блок–қўшимча тайёргарлик фанлар (педагогика ва маҳорат, танлов фанлар).

Дарслар жадвал асосида маъруза, амалиёт, семинар ва лаборатория машғулоти шаклида ўтказилади. Талабаларнинг амалиёт дарслари махсус тайёрланган тематик хоналарда олиб борилади. Амалий кўникмаларни ўзлаштиришда фантом ва муляжлардан кенг фойдаланилади.

ТТАда ОМҲ факультети талабалари учун ушбу ўқув йилида ўқув жараёни соғлиқни сақлаш амалиётига максимал яқинлаштириш, амалий кўникмаларни чуқурроқ ўргатиш, олий маълумотли ҳамшираларни тайёрлашда кафедралараро интеграцияни кучайтириш учун ОМҲ ўқув маркази ташкил қилинган.

Ушбу марказда 3 ўқув бўлим – анестезиология, реанимация, хирургик, акушерлик, шунингдек, кутубхона компьютер зали билан, ўқув хонаси мавжуд.

Талабаларнинг дарсларга тайёрлаши учун кутубхона, виртуал кутубхона, компьютер заллари мавжуд.

Академиямиз кутубхонасида Олий ҳамширалик йўналиши бўйича ўзбек, рус ва инглиз тилларида замонавий адабиётлар мавжуд. 3-курс талабалари ўзлари танлаган йўналишлари бўйича дарс ўтишади (акушерлик иши, анестезиология ва реанимацияда ҳамширалик иши, жарроҳликда ҳамширалик иши, менежмент).

### ҲУРМАТЛИ АБИТУРИЕНТЛАР ВА ОТА-ОНАЛАР!

Тошкент Тиббиёт академияси ректорати, қабул ҳайъати сизларни қуйидагилар бўйича огоҳлантиради: Тошкент Тиббиёт академияси талабалари сафига киритиб қўяман деган турли кимсаларнинг берган ваъдаларига умуман ишонманг! Бундай кимсалар товламачи ёки фирибгар эканлигини эслатиб ўтамиз.

ТТА ректори, проректорлар, факультет деканлари ва қабул ҳайъати аъзолари ТТАга ўқишга киришга ёрдам бера олмайдилар.

Тошкент Тиббиёт академиясига ўқишга киришнинг асосий мезони билим ҳисобланади.

### УВАЖАЕМЫЕ АБИТУРИЕНТЫ И РОДИТЕЛИ!

Ректорат Ташкентской медицинской академии и приемная комиссия предупреждают Вас о следующем:

Не доверяйте лицам, обещающим помочь в поступлении в ряды студентов. Предупреждаем, что такие люди являются мошенниками.

Ректор ТМА, проректора, деканы факультетов и члены приемной комиссии не могут Вам помочь в поступлении в ТМА.

Основными критериями поступления в Ташкентскую медицинскую академию являются знания.

Олий маълумотли ҳамшира факультети талабаларига амалий машғулотларни кафедраларда асосан доцент ва таърибали ассистентлар олиб боришади. Маърузаларнинг 70 фоизи профессорлар, 30 фоизи доцентлар томонидан ўқилади.

Педагогик салоҳият тўғрисида тўхталадиган бўлса, бугунги кунда талабаларга 127 нафар педагог дарс бермоқда. Улар орасида профессорлар 20 фоиз, доцентлар 25 фоиз, катта ўқитувчилар 20 фоиз, ассистентлар 35

фоиз. Илмий салоҳият 65 фоизни ташкил қилади.

Академияда ўтказиладиган “Спартакиада” ўйинлари факультет анъанасига айланиб қолди. Факультет ўқитувчилари ва талабалари спортнинг барча турларида қатнашиб йилдан йилга яхши натижаларни кўлга киритиб келмоқдалар.

Факультет талабалари академияда ўтказиладиган маънавий-маърифий тадбирларда фаол иштирок этишади. Жумладан “Талабалик баҳори”, “Балли, қизлар”, “Қувноқлар ва зукколар”. Факультет талабалари орасида фанлар бўйича ўтказилган Республика олимпиадаси, ҳамшира кўриктанловлари совриндорлари бор.

ТТА ўқув бўлими ва профессор-ўқитувчилари ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги шотландиялик (Эдинбург ш.) мутахассислар кўмагида олий маълумотли ҳамширалар тайёрлаш дастурини жаҳон андозасига мос равишда ўзгартиришди ва 2011-2012 ўқув йилидан бошлаб факультет талабалари ушбу янги дастур асосида ўқитилмоқда. Ушбу дастур талабаларни тайёрлашда кўпроқ амалий кўникмаларга эътибор беришга қаратилган.

Факультетда ўқиш муддати 3 йил. Битирувчилар барча даволаш муассасаларида етакчи ҳамшира, катта ҳамшира, менежер ва тиббиёт коллежларида ўқитувчи бўлиб ишлашлари мумкин.

Олий маълумотли ҳамшира факультети битирувчилари “Ҳамширалик ишлари ташкил қилиш ва бошқариш” йўналиши бўйича магистратурада ўқишни давом эттиришлари ҳам мумкин. Магистратурада ўқиш муддати 2 йил.

Олий маълумотли ҳамшира – давр талаби!

2019/2020 ўқув йилида Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасалари БАКАЛАВРИАТИНИНГ кундузги таълим шакли бўйича давлат буюртмаси асосида ўқишга қабул қилиш параметрларининг таълим йўналишлари ва ўқитиш тиллари бўйича

### ТАҚСИМЛАНИШИ

Шифр	Вазирлик ва идоралар, олий таълим муассасалари ва таълим йўналишлари	Жами	Давлат грантлари асосида			Тўлов-контракт асосида		
			Жами	шу жумладан:		Жами	шу жумладан:	
				ўзбек	рус		ўзбек	рус
<b>39</b>	<b>Тошкент Тиббиёт академияси</b>	<b>1 345</b>	<b>510</b>	<b>84</b>	<b>835</b>	<b>698</b>	<b>137</b>	
	<i>Шу жумладан, мақсадли қабул бўйича</i>		475	73				
	<b>Тошкент ш.:</b>	<b>570</b>	<b>265</b>	<b>42</b>	<b>305</b>	<b>260</b>	<b>45</b>	
	<i>Шу жумладан, мақсадли қабул бўйича</i>		260	47				
5111003	Касб таълими: тиббий педагогик иш	20	5	1	15	12	3	
5510100	Даволаш иши	310	160	136	24	150	22	
	<i>Шу жумладан, мақсадли қабул бўйича</i>		160	136	24			
5510100	Даволаш иши (Жиззах)		27	4				
5510100	Даволаш иши (Сирдарё)		54	7				
5510100	Даволаш иши (Тошкент в.)		51	8				
5510100	Даволаш иши (Тошкент ш.)		28	5				
5510300	Тиббий профилактика иши	75	25	4	50	42	8	
	<i>Шу жумладан, мақсадли қабул бўйича</i>		25	4				
5510300	Тиббий профилактика иши (Навоий)		8	1				
5510300	Тиббий профилактика иши (Тошкент в.)		12	2				
5510300	Тиббий профилактика иши (Тошкент ш.)		5	1				
5510700	Олий ҳамширалик иши	90	50	8	40	34	6	
	<i>Шу жумладан, мақсадли қабул бўйича</i>		50	8				
5510700	Олий ҳамширалик иши (Қорақалпоғистон Республикаси)		5	1				
5510700	Олий ҳамширалик иши (Жиззах)		8	1				
5510700	Олий ҳамширалик иши (Қашқадарё)		7	1				
5510700	Олий ҳамширалик иши (Навоий)		4	1				
5510700	Олий ҳамширалик иши (Сирдарё)		12	1				
5510700	Олий ҳамширалик иши (Тошкент в.)		9	2				
5510700	Олий ҳамширалик иши (Тошкент ш.)		5	1				
5510900	Тиббий-биологик иш	75	25	5	50	44	6	
	<i>Шу жумладан, мақсадли қабул бўйича</i>		25	5				
5510900	Тиббий-биологик иш (Наманган)		4	1				
5510900	Тиббий-биологик иш (Сирдарё)		6	1				
5510900	Тиббий-биологик иш (Сурхондарё)		5	1				
5510900	Тиббий-биологик иш (Тошкент в.)		3	1				
5510900	Тиббий-биологик иш (Фарғона)		5	1				
5510900	Тиббий-биологик иш (Тошкент ш.)		2	2				
	<b>Урганч филиали:</b>	<b>250</b>	<b>85</b>	<b>22</b>	<b>165</b>	<b>115</b>	<b>50</b>	
	<i>Шу жумладан, мақсадли қабул бўйича</i>		75	16				
5510100	Даволаш иши	100	35	12	65	53	12	
	<i>Шу жумладан, мақсадли қабул бўйича</i>		35	12				
5510100	Даволаш иши (Хоразм)		35	12				
5510200	Педиатрия иши	40	15		25	13	12	
	<i>Шу жумладан, мақсадли қабул бўйича</i>		15					
5510200	Педиатрия иши (Қорақалпоғистон Республикаси)		3					
5510200	Педиатрия иши (Хоразм)		12					
5510300	Тиббий профилактика иши	60	20	8	40	24	16	
	<i>Шу жумладан, мақсадли қабул бўйича</i>		10	2				
5510300	Тиббий профилактика иши (Қашқадарё)		2	2				
5510300	Тиббий профилактика иши (Хоразм)		8	2				
5510400	Стоматология (йўналишлар бўйича)	30	10	2	20	10	10	
	<i>Шу жумладан, мақсадли қабул бўйича</i>		10	2				
5510400	Стоматология (йўналишлар бўйича) (Сурхондарё)		2					
5510400	Стоматология (йўналишлар бўйича) (Хоразм)		8	2				
5510700	Олий ҳамширалик иши	20	5		15	15		
	<i>Шу жумладан, мақсадли қабул бўйича</i>		5					
5510700	Олий ҳамширалик иши (Хоразм)		5					
	<b>Фарғона филиали:</b>	<b>175</b>	<b>60</b>	<b>10</b>	<b>115</b>	<b>95</b>	<b>20</b>	
	<i>Шу жумладан, мақсадли қабул бўйича</i>		40	6				
5313000	Биотиббиёт муҳандислиги	25	10	2	15	12	3	
5510100	Даволаш иши	25	10	2	15	12	3	
5510300	Тиббий профилактика иши	75	25	3	50	43	7	
	<i>Шу жумладан, мақсадли қабул бўйича</i>		25	3				
5510300	Тиббий профилактика иши (Жиззах)		5					
5510300	Тиббий профилактика иши (Наманган)		2	1				
5510300	Тиббий профилактика иши (Сирдарё)		12					
5510300	Тиббий профилактика иши (Фарғона)		6	2				
5510700	Олий ҳамширалик иши	50	15	3	35	28	7	
	<i>Шу жумладан, мақсадли қабул бўйича</i>		15	3				
5510700	Олий ҳамширалик иши (Жиззах)		10	2				
5510700	Олий ҳамширалик иши (Фарғона)		5	1				
	<b>Термиз филиали:</b>	<b>350</b>	<b>100</b>	<b>10</b>	<b>250</b>	<b>228</b>	<b>22</b>	
	<i>Шу жумладан, мақсадли қабул бўйича</i>		100	10				
5510100	Даволаш иши	300	90	8	210	194	16	
	<i>Шу жумладан, мақсадли қабул бўйича</i>		90	8				
5510106	Даволаш иши (Сурхондарё)		60	6				
5510107	Даволаш иши (Қашқадарё)		30	2				
5510200	Педиатрия иши	50	10	2	40	34	6	
	<i>Шу жумладан, мақсадли қабул бўйича</i>		10	2				
5510206	Педиатрия иши (Сурхондарё)		10	2				

